

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Норин Абу Али ибн Сино
номидаги жамоат саломатлиги
техникуми директори
Г.Б.Кинжаева

« _____ » 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

**« Норин Абу Али ибн Сино номидаги жамоат
саломатлик техникуми»**

**Муассасага фойдаланиш учун мебел жихозлари
сотиб олиш мақсадида**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Норин тумани -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Норин Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумига мебел етказиб бериш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 52096800 (**Эллик икки миллион тўқсон олти минг саккиз юз**) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб

1.5. Етказиб бериш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Норин Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160400, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Норин тумани, Хаккулобод шаҳри, К.Ўлмас МФЙ, Беруний кўчаси, 48-уй

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Норин Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда етказиб берувчи (иш ва хизматлар кўрсатишга) жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжатлар

ва хизмат кўрсатиш бйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-Устав,гувоҳнома, тасисчининг паспорт нусхалари;

-Инсофсиз етказиб берувчилар руйхатида турмаслиги тугрисида маълумтнома;

-Танловда қатнашиш кунида Давлат солиқ инспекциясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

3.3. Агар танлов предмети бўлган товарлар (хизматлар)ни етказиб бериш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | “Норин Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумига мебел жихозларини сотиб олиш мақсадида |
| 2 | Буюртмачи | Норин Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникум |
| 3 | Буюртма учун асос | Норин Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми директорида берилган ходимлар талабномалари |
| 4 | Объектнинг жойлашган манзили | Норин тумани Хақулобод шаҳар |
| 5 | Катнашувчи учун талаблар | Иштирокчилар танлов ҳужжатларига ўзбек ва рус тилида тақдим этиши мумкин. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: -қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар |
| 6 | Етказиб берадиган товарлар хисоб-китоби | Етказиб берувчи шартномада бўйича мебел жихозларини етказиб беради, Шартномага асосан тахминан 52096800 (Эллик икки миллион тўқсон олти минг саккиз юз) сўмлик мебел жихозларини етказиб бериш режалаштирилган. |

| | | |
|----|-------------------------------------|---|
| 7 | Товар тури | <p align="center">Изостул-130дона</p> <p>(Меҳмонлар учун стул "Исо Бласк", оёқларида пластик қопқоқли металл рамкага эга. Тўлдирувчи: эластик юқори эластик кўпикли каучук. Мебель: мато. Қулай ва бардошли металл рамка стулни ишончли ва функционал қилади. "Исо Бласк" стулининг орқа ва ўриндикларининг муваффақиятли эгилиши, уларнинг ўлчамлари кутиш ва ишлаш вақтида стулда қулай ўтириш имконини беради. Ишлаб чиқариш Украина, Харьков)</p> <p align="center">Кресло-12 дона</p> <p>(Чиройли ишлаб чиқилган, нафислик ва қулайликни таъминлайди, мувозанат ва уйғунликни кўрсатади Кресло уйнинг, квартиранинг ва ҳатто офиснинг замонавий интерерига жуда мос келади, ижобий ва яхши кайфиятнинг катта қисмини олиб, маконни жонлантиради. Ишлаб чиқарувчи мамлакат: Хитой Кресло тури: универсал Ранг.; сутли Максимал юк: 110 кг.)</p> |
| 8 | Хизматларни бажариш муддати | Шартномалар имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида етказиб беради имзоланган шартнома 2022 йил 31 декабрь ойига қадар амал қилади |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Етказиб бериш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт. |
| 10 | Молияташтириш манбаи | Норин Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан. |

Комиссия аъзолари

МИБДЎ



А.Широнов

Касаба уюшма раиси



Ш. Дадабоева

Омбор мудир



А. Долимов

Ўқитувчи



Г. Атамирзаева

Чилангар



Э. Муминов